

Оқибат тақвоникидир



11:00 / 07.10.2021 3069

Бир ота айтади: «Бир кун менинг фарзандим кўчада ўйнаб юрган экан. Шомга азон айтилди ва ўғлим уйга чарчаб келиб: «Ота, мен чарчадим намозни уйда ўқийман», деди. Намозини ўз вақтида ўқимаётгани ва уни толиқганини кўриб раҳмим келди. Менинг ҳаёлимга бир фикр келиб: «Юр!» деб айтдим. Ўғлим: «Йўқ мен уйда ўқийман», деди. Мен уни қаттиқ тортдим, лекин у ўрнидан турмади. Сўнгра: «Шайтон сени масжидга боришингга тўсқинлик қилмоқда. Сен ўз шайтонингни енгиб ўтишингга ишонаман. Ахир сен эркаксан, мен сени масжидда кўришимни ҳам биламан» деб хотиржам масжидга чиқиб кетдим. Масжидда намоз ўқиб, Аллоҳга: «Ҳозир фарзандимни орқа қаторда кўрай» деб дуо қилдим. Намоз ўқиб бўлиб, ортимга қарасам, ўғлим орқа қаторларда намоз ўқиб турган экан. Хурсанд бўлиб, уни кутдим. Намоздан сўнг бағримга босдим ва совға билан мукофотладим. Унга: «Мен сенга айтмаганмидим?! Сен эркаксан,

шайтонни енгиб ўтасан» дедим».

Баъзи вақтлар фарзандингизга: «Намоз ўқи!» деб айтсангиз, худди шундай эътироз билдиради ва гапингизни инобатга олмайди. Сиз шу вақтда нима қиласиз?

Бир ота айтади: «Бир куни мен ўн ёшлик фарзандимга намоз ўқишни буюрдим, уни жаҳли чиқиб: «Эй ота, бу сизнинг намозингизми ёки меникими?» деди. Бу гап билан мени намозим билан ишингиз бўлмасин, ўзим жавоб бераман деб айтмоқчи бўлди. Мен кулиб, ғазабимни ичимга яшириб: «Бор Қуръонни олиб кел» дедим. У ҳайратланиб секин юриб бориб, Қуръонни олиб келди. Қуръонни қўлидан олиб, Тоҳа сурасини очиб:

«Аҳлингиз намозга амр эт ва ўзингиз унга сабр қил. Биз сендан ризқ сўрамасмиз. Биз сенга ризқ берурмиз. Оқибат тақвоникидир». (Тоҳа сураси, 132-оят).

Шу оятни ўқидим ва маъносини шарҳлаб бердим. Мен: «Сени намоз ўқишингизга буюрилганман. Бу кимнинг намози эканлигини англаб етдингизми? Бу сенинг намозинг, лекин мен сенинг намозингизга масъулман. Аллоҳни олдида мени уялтирмаслигингизга умид қиламан», деб чиройли тушунтирдим. Ўша воқеадан сўнг мен фарзандим билан дўст бўлиб олдик. Баъзида намоз вақти бўлганида мен унга: «Тур намозингизни ўқи ва мени Аллоҳни олдида жавоб беришимдан озод қил» дер эдим».

Бир она айтади: «Қизимга оппоқ пахта ва қора сиёҳ олиб келдим. Мен: «Сенинг юрагинг мана шу оппоқ пахтага ўхшайди. Ҳар бир ўқимаган намозингиз учун биттадан қора сиёҳ қўйилади. Сенга битта ўқимаган намозингизни кўрсатиб бераман. Оппоқ пахтага қора нуқта қўйдим. Бир ҳафтадан сўнг сенинг юрагингизни аҳволини кўраман» дедим. Имом Муслим Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаламдан ривоят қилган эканлар: «Қилинган гуноҳлар қалбларда бирма-бир кўриниб ўтади. Қайси қалб гуноҳларни биттасини ушлаб қолса, ўша қалбга бир қора нуқта қўйилади. Қайси қалб бунга қаршилиқ қилса, унга бир оқ нуқта қўйилади. Натижада, қалб иккига ажралиб қолади. Биринчиси, оппоқ сутдек. У қалбга ҳар қандай фитна бўлса, зарар етказмайди. Иккинчиси, қоп-қора худди, кўмирдагидек. У ўзининг нафси хоҳлаган ишни бажаради, яхшилиқни билмайди ва мункардан қайтмайди» деб ҳадисни айтиб бердим. Орадан кунлар ўтди, қизим қалбини оппоқ пахтага ўхшаб муҳофаза қилди. Агар намози ёдидан кўтарилса ёки намозини кечиктириб ўқиса хафа бўлар эди. Қачон мен пахтага қора сиёҳдан қўйиб қўйсам янада

хафа бўлиб истиғфор ва намозни вақтида ўқиш орқали ўша доғни кетгазишга ҳаракат қилар эди».

Кўп ота-оналар фарзанди намозини ўз вақтида ўқишини орзу қилади. Барча ҳам фарзандини ҳеч ким айтмасидан аввал ўзи мустақил намозга шошилишини умид қилади. Биз қадимги тақлидий ва заиф фикрларни қўллаганимиз сабабли фарзандларимизни намоз ўқишга буюришимиз жуда машаққатли вазифа бўлиб қолди. Ҳар бир азонда шу вазифа қайта-қайта янгиланаверади. Бу муаммони ҳал қилишимиз учун, биз янги усуллар ўйлаб топиб, фарзандларни шу йўл билан шижоатлантиришимиз керак.

Ҳабибуллоҳ Ахмадовнинг «Намоз» китоби асосида тайёрланди